

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 10-sentabr, payshanba 46 (9083)-sonlar

e-mail: info@qishloqhayoti.uz

ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН: ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Марказий Осиё... Тарихи ва тақдири муштарак халқлар бешиги. Турли даврлар ва салтанатлар, давлатчилик замонларида бунёдкорлик фазилатлари, заковати, бағрикенглиги билан ўзаро дўстона ришталарни эъзозу азиз тутиб, буюк тамаддун яратган, бошидан не-не синовларни ўтказган эллар бугун ўз истиқлоли туфайли янги марраларни эгалламоқда. Хусусан, сўнгги тўрт йил мобайнида минтақа халқлари ажодлар руҳини шод этиб, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янги поғонага кўтариб, тинчлик ва бирдамлик сари дадил қадамлар ташламоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10 ноябрь куни Самарқандда бўлиб ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференцияда таъкидлаганидек, "Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради... Амалий ҳамкор-

ликка тайёрлик ва унга астойдил интилиш, шунингдек, барча Марказий Осиё мамлакатларининг умумий келажак учун масъулиятни ҳис этиши минтақанинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигининг мустақкам пойдевори ва кафолатидир". Айнан мана шу омил Ўзбекистон ва Тожикистон давлатларининг ҳаётимизнинг турли соҳаларидаги муносабатлари тобора мустақкамлашиб бораётганига изчил хизмат қилиб келмоқда.

БУЮК ҲАҚИҚАТ

Ўзбек ва тожик халқлари асрлар давомида қондош ва жондош, қуда-анда бўлиб яшаб келгани, маънавий олами, адабиёти, мусиқаси, турмуш тарзи бир-бири билан қоришиб кетгани аслида тарихда ноёб ҳодисадир. Шоирлар бежиз бу икки халқни бир дуторнинг икки тори, бир дархтнинг икки шохи, бир дарёнинг икки соҳилига ўхшатиб тараннум этмаган. Улар мураккаб тарихий жараёнларда бир-бирига таяниб, талпиниб,

елкадош бўлиб яшаб келган. Бу борада реал ҳаётимиздан, бой ўтмишимиздан талай мисоллар келтириш мумкин.

Ҳа, тарихни халқлар яратади. Элни буюк тўлқин, куч-қудрат эканлигига ҳеч шубҳа йўқ. Лекин элларни қардошлик ва бирликка ҳидоят этувчи, яратувчанликка чорловчи уларнинг раҳнамолари, юртбошилари бўлади. Буни Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг дўстона муносабатлари, икки қўшни ва азалдан хешу акрабо бўлиб келган халқларнинг қалбларидаги буюк куч – қондошлик ҳис-туйғуларини ифода этувчи ришталарни янги замонга мос равишда мустақкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, жасоратларида яққол кўриш мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон томонидан 1993 йилдан 2020 йилгача ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига 5 та моддий-маданий мерос объекти ва 8 та номоддий маданий мерос номзодномаси киритилган бўлиб, 2030 йилгача 10 дан ортиқ маданий мерос объекти ва 5 дан ортиқ номоддий мерос номзодномаси киритилиши режалаштирилган.



ЛАЗГИ, ШАШМАҚОМ, АСКИЯ ВА ПАЛОВ ЮНЕСКО РЎЙХАТИГА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида "Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги маданий мерос объектларини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига ҳамда Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш, бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича амалга ошириладиган ишлар тўғрисида"ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровига маданият вазири О.Назарбековнинг жавоби чуқур таҳлил қилинди. Бу ҳақда ЎзАга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати хабар қилди.

Вазирлик жавобида қайд этилишича, номоддий маданий меросни сақлаш ва тарғиб қилиш билан боғлиқ масалаларда ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси қўмитаси билан доимий алоқалар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ЮНЕСКО Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига Ўзбекистон томонидан тавсия этилган 7 та номзоднома киритилган. Шашмақом, Наврўз, Катта ашула, Аския, Палов маданияти ва анъаналари, "Хоразм рақси – Лазги" шулар жумласидан. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича энг яхши тажрибалар реестрига "Марғилон хунармандчилик мактаби: атлас ва адрас тўқиш технологияси" номзодномаси киритилган.

Жорий йилда Маданият вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва бошқа ташкилот вакиллари иштирокида Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига "Бахши санъати" номзодномаси тайёрланиб топширилган.

Ўзбекистон номоддий маданий меросининг янгиланган миллий рўйхати тасдиқланган бўлиб, унга бешта йўналиш бўйича 60 дан зиёд номзоднома киритилган. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг зудлик билан муҳофаза остига олинishi лозим

бўлган номоддий маданий мерос объектлари рўйхатига – Қўбиз ижрочилиги, ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига бешта – бахши санъати, этноспорт, ёғоч ўймакорлик санъати, халфачилик, ўзбек жанг санъати, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид энг яхши тажрибалар реестрига тавсия этилиши режалаштирилган ишлар рўйхатига Риштон кулолчилик мактаби тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғи асосида айни пайтда Маданият вазирлиги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлар институти (МИЦАИ) билан ҳамкорликда Бухоро вилоятида жойлашган Чор Бақр ва Баҳроуддин Нақшбанд мажмуалари, Вобкент минораси, Чашмаи Аюб ва Сомонийлар мақбаралари, қадимги Пойкент, Варахша, Вардонзе ва Куртони Ромитан археология мероси объектларини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритиш бўйича номзодлик ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Навоий вилоятидаги Мавлоно Ориф Дегапоний мажмуасини номзодлар рўйхатига киритиш бўйича тадқиқот ишлари COVID-19 пандемиясининг таъсири сабабли бироз кечиктирилмоқда.

Номоддий маданий меросни асраш ва кенг тарғиб этиш мақсадида халқаро ва республика миқёсида кўрик-танлов ва фестиваллар доимий равишда ташкил этилмоқда. 2022 йилдан бошлаб Хива шаҳрида Лазги халқаро рақс фестивали ўтказилиши режалаштирилгани диққатга сазовор.

Вазирлик жавобида келтирилган рақамлар, таҳлиллар гарчи, парламент аъзоларини қаноатлантирган бўлса-да, ушбу йўналишдаги ишларни янада фаоллаштириш, самарадорлиги юқори бўлишига эришиш зарурлиги таъкидланди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида "Дўстлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусида онлайн семинар ўтказилди.

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ЭҚТИҲ БОР

Унда Қўмита масъуллари, миллий-маданий марказлар раҳбарлари, дўстлик жамиятлари вакиллари, депутатлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Онлайн семинарда бундай тадбирлар ўтказилишининг аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 22 февралдаги тегишли қарори билан тасдиқланган "Миллий-маданий марказлар, дўстлик жамиятлари ролини янада ошириш ва уларнинг аҳоли ҳаётидаги иштирокини кучайтириш ҳамда хорижий давлатлар билан маданий-гуманитар ва дўстлик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури"ни амалга оширилиши миллий маданий марказларнинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида ўз ўрнини мустақамлашда хизмат қилиши ҳақида сўз борди.

Бугунги кунда Дўстлик жамиятларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга эҳтиёж бор, – деди ЎЗННТМА Кенгаши раиси Насимжон Алимов. – Чунки жамиятлар юртимиз маданиятини бутун дунёга кенг тарғиб этиб, мамлакатлар ўртасидаги маданий, гуманитар алоқалар йўлга қўйилишида ўз ҳиссасини қўшади. Уларга ўзбек тили, урф-одати, тарихи ва адабиётини бутун дунёга олиб чиқишдек юксак вазифалар юкланган.

Семинарда жамиятлар томонидан амалга оширилган ишлар танқидий таҳлил қилиниб, уларнинг бугунги синови кунлардаги фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтилди. Жамиятларнинг иқтисодий, ҳуқуқий асослари ўрганилди, камчиликлари барҳам этиш бўйича таклифлар берилди.

Д.МАМАТОВА,
ЎзА мухбири.

Сирдарё вилояти

ЁШ ТАДБИРКОР КЎПЛАРГА ҲАМКОР

Сайхунободлик Аҳрор Гаппаров ёшлиқдан тадбиркорликка қизиқарди. Президентимиз томонидан ёшларга берилётган имтиёзлар унинг орзулари ушалошига кенг йўл очди. Айнақса ЎзЛиДеп вилоят Кенгаши аъзоларининг ёш ишбилармон билан учрашиб, унинг интилишларини қўллаб-қувватлаганлиги Аҳрорга қанот бағишлади.

Ёш ишбилармон тадбиркорликка қўл уриб, туманда совун ишлаб чиқариш цехини ишга туширди. Цехда айни вақтда кунига 3-4 тонна сифатли совун ишлаб чиқарилмоқда. Шу боис туманда у билан ҳамкорлик қилиб, маҳсулотларини сотиб олишга шартнома тузаётган буюртмачилар сафи тобора ортиб бораёпти. Энг муҳими, уч нафар ёш бу ерда доимий иш ўрнига эга бўлди.

Кўз қўрқоқ, қўл ботир, деганлари рост экан. Дастлабки муваффақиятлардан руҳланган Аҳрор Гаппаров фаолиятини кенгайтириб, туман марказида чиқиндиларни қайта ишлаш цехини қуришга қарор қилди. Ушбу лойиҳасини амалга ошириш учун унга жой зарур эди. Бу масалада ЎзЛиДеп Сайхунобод тумани Кенгашининг раиси Улугбек Ниязов ёш тадбиркорга ёрдам қилини чўзди. Кенгаши раиси ижара тўловларисиз Аҳрорга жой ажратиб берилишини таъминлади.

Янги лойиҳани рўёбга чиқармоқчи бўлган тадбиркорнинг бу хайрли ишини тижорат банклари ҳам қўллаб-қувватлаб, уни молиялаштириш бўйича келишувга эришди.

– Кўчалар, йўлларнинг бўйида уйилиб ётган, чор-атрофни ифлослантираётган чиқиндиларни қайта ишлаш гоёси кўп вақтдан бери менга тинчлик бермай келаётгани, – дейди ёш тадбиркор Аҳрор Гаппаров. – Бу лойиҳамни ЎзЛиДеп Сайхунобод тумани Кенгаши раҳбари Улугбек Ниязов астойдил маъқуллади. Кенгашининг мадади билан цехни қуриш учун ижара тўловларисиз бизга жой ажратиб берилди. Ҳадемай, туманда чиқиндиларни қайта ишлаш цехи фаолияти йўлга қўйилади. Бу эса туманда атроф-муҳит мусаффолигини яхшилашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий вилояти

КОРХОНАДА 40 НАФАР ХОТИН – ҚИЗ ИШ БИЛАН БАНД



Ўтган йиллар давомида Навбахор туманида саноат ва иқтисодни ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида амалий ишлар қилинди.

Шундай лойиҳалардан бири "IMAXA KASABA GRANT ART" МЧЖга қарашли чинни маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, лойиҳани амалга ошириш учун "Агробанк" АТБ томонидан 1 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган.

Бугунги кунда лойиҳа тўлиқ ишга туширилган бўлиб, 40 нафар туман хотин-қизлари бандлиги таъминланган.

Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган суратлар.



“...қардош Тожикистон билан ҳаммиша дўст ва биродар, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўламиз”

(Боши 1-саҳифада)

2018 ЙИЛНИНГ ФАЙЗБАХШ БАҲОР-ЁЗИ

2018 йил баҳори икки мамлакат халқлари учун ўта файзли ва фараҳбахш келди. Она табиат борлиққа ўз сепини ёйган кезде – 9 март куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистонга давлат ташрифи билан борди. Бу воқеа икки мамлакат тарихида албатта зарҳал ҳарфлар билан ёзилажак. Зеро, ушбу ташриф давлатларимиз, халқларимиз муносабатлари тарихида янги саҳифалар очди. Бу кун Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳри ва мамлакат бўйлаб “Хуш омадед! Хуш келибсиз, Шавкат Мирзиёев!” сўзлари ҳар бир тожикистонлик тилидан самимий янгради, бу онлар элга ҳаққоний қувонч бағишлади, эзгуликдан дарак берди.

Президентимизнинг ташрифи асносидаги чинакам дўстона мулоқотлар, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, транспорт-коммуникация, туризм, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар соҳалардаги кенг қамровли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган 27 та ҳужжатнинг имзоланиши икки давлат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтарди. Президент Эмомали Раҳмон Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг икки томонлама ва минтақавий алоқаларни кенгайтириш борасидаги ташаббуслари ва амалий сўй-ҳаракатларини юқори баҳолади ва ушбу ташриф ҳақиқатан ҳам тарихий характер касб этганини алоҳида қайд этди.

Ҳа, доно ва оқил раҳбарлар элларни бир-бири билан мустаҳкам боғлайди, тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди, шу тариқа аждодлар анъанасини давом эттириб, уларнинг руҳларини шод этади.

Тожикистон тарихидаги ўта мураккаб давр мустақилликнинг илк йилларида тўғри келди. Бу заминда қуролли тўқнашувларга хотима бериш ва тинчликка эришиш осон бўлмаган. Мамлакатимиз Президенти ҳам шаҳсан Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг ўз диёрида тинчлик ва барқарорлик йўлидаги жасорати, хизматларини юксак баҳолади. “Буни, дейди Шавкат Мирзиёев, бутун дунё жамоатчилиги эътироф этади”.

Икки мамлакат раҳбарлари томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма баёнот шак-шубҳасиз икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янги поғонага кўтарди ва бу алоқалар бугунги кунда амалий самарасини бермоқда.

Ташриф доирасида Амузанд станциясида Ўзбекистонни Тожикистоннинг жануби билан боғловчи темир йўли очилди. Ундан олдин икки мамлакат ўртасида авиақатновлар қайта тикланган эди. Музокаралар

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА ДАДИЛ ҚАДАМЛАР



асносида икки мамлакат тadbиркорлари, ҳудудлараро ҳамкорликни кўллаб-қувватловчи меъёрий-ҳуқуқий келишувлар имзоланди, сув-энергетика муаммоларини биргаликда ҳал этиш борасида келишиб олинди. Икки давлат раҳбарлари мамнуният билан қайд этганидек, икки томонлама муносабатларда ҳал бўлмаган масала қолмади.

“Биз ўзбек ва тожик халқлари ўртасида дўстлик кўпригини мустаҳкамлаш бўйича астойдил ҳаракат бошладик. Ниятимиз ёр бўлиб, эзгу мақсадларимизга эришамиз, иншоолоҳ. Биз дўстлик ва инсонийлик нуқтаи назаридан қўшниларимиз билан, аввало, қардош Тожикистон билан ҳаммиша дўст ва биродар, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўламиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг 2018 йил 17-18 август кунлари мамлакатимизга давлат ташрифи чоғида конструктив руҳда ўтган мулоқоту музокаралар, имзоланган ҳужжатлар ҳам икки қўшни давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар тарихида аҳамиятга молик воқеа бўлди. Айнан икки давлатнинг хоҳиш-иродаси, ишончли ва дўстона муносабатлари икки халқни тараққиёт ва келажак сари янада жипслаштирди.

Бу йўлдаги сўй-ҳаракатлар энг муҳими кўп миллатли халқларимиз ҳаётий манфаатларини тўлиқ ифода этади. Хусусан, Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома бу муносабатларни сифат жиҳатидан янги

босқичга кўтариши айна ҳақиқат. Ёки Тожикистон ҳудудида, Зарафшон дарёсида Ўзбекистон улуши билан гидроэлектростанциялар қурилишига оид келишув ҳам икки халқни мамнун этди.

Бу ҳам тарихий аҳамиятга эга ҳужжатдир. Тожикистон Президенти эса ўз нутқида минтақа аҳолисини ташвишга солиб келинаётган сув муаммоси ҳақида тўхталиб, Тожикистондаги сув захиралари икки республика учун етарли эканини, хусусан, ушбу мамлакатда жойлашган Сарез кўли сув ресурсларини биргаликда ўзлаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Шу тариқа, Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи асносида ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг, унга узоқ муддатли ва кенг кўламли тус беришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Тошкентнинг “Форумлар саройи”да бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Президенти фармони билан Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, яхши қўшничилик, маданий-гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш, ўзбек ва тожик биродар халқларининг иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, минтақамизда тинчлик ва барқарорлик борасидаги кўрсатган хизматлари ва ташаббуслари учун Ватанимизнинг “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланди.

Эмомали Раҳмон ўз навбатида Ўзбекис-

тон раҳбарининг мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари ва амалий қадамларини мамнуният билан эътироф этди ва тожик халқининг ўзбек халқига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромини билдирди, Мавлоно Жомий ва Мир Алишер Навоий каби буюк аждодларимиз пойдеворини қўйган бу дўстлик алоқалари янги замонда янги мазмун касб этиб, абадий бўлиб қолишини алоҳида қайд этди.

ДЎСТЛИК ДАРАХТИНИНГ ТОТЛИ МЕВАЛАРИ

Ҳаётда инсонларнинг дўстлар, қариндошлари дийдорига мушарраф бўлишдан катта бахт бўлмаса керак. Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари Президентларининг инсонпарварлик сиёсати тўғрисида икки мамлакат қардош ўзбек ва тожик халқлари учун очилди, бунинг учун барча шароитга эга бўлган 18 та чегара пости ташкил этилди. Агар 2020 йилнинг март ойи ўрталаридан бошлаб коронавирус пандемияси тўғрисида чегаралар фуқаролар учун ёпилганини ҳисобга олмасак, визанинг бекор қилиниши халқларимизга охири чорак асрдан кейин бағоят қувончли воқеа бўлди. Чегара постларидан у ёки бу томонга ўтган минглаб ёшу қари инсонлар икки давлат раҳбарлари ҳақида дуога қўл очарди.

Бугун дунё аҳли бошига келган коронавирус балоси албатта бизнинг алоқаларимизга, хусусан, гуманитар муносабатларимизга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Лекин сув-энергетика, савдо, коммуникация, соғлиқни сақлаш, спорт каби соҳалардаги самарали ҳамкорлик алоқаларимиз бирор кун ҳам тўхтаган эмас.

Шунингдек, жорий йил 9 апрель куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев тошкентлик биноан коронавирус тарқалишининг олдини олишда кўмаклашиш мақсадида кўшни ва биродар Тожикистон халқига инсонпарварлик ёрдами юборилди. Тожикистон расмий доиралари, турли касб эгалари дўстлик ва яхши қўшничиликка содиқ бўлган Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига ўз миннатдорлигини ва юборилган инсонпарварлик, айниқса, тиббиёт соҳасида асқотишини алоҳида баён этди.

Тожикистон ҳукумати эса, Сардобада техноген ҳодисаси тўғрисида зарар кўрганлардан ёрдами дариг тутмади, кўп миқдорда қурилиш материаллари жўнатди. Унга яқин ўзбек

шифокорлари ҳам тожик касбдошларига ёрдам кўрсатиш мақсадида бир неча кун Тожикистонда бўлишди, илгор тажрибалари билан ўртоқлашди. Яъни, биз қондошу қардош халқлар гаму ташвиш бошимизга туша ҳам ҳаммиша елкадошимиз.

Икки томонлама интергаляциялашув жараёнида адабиёт ва санъат вакилларининг ўрни алоҳида эканини яхши биламиз. Атоқли адиб Мирзо Турсунзода ўтган асрнинг йигирманчи йиллари Тошкентда таҳсил олган. Бу шариф инсон ўзбек тилини яхши биларди, ўзбек халқига ҳурмати бўлачқа эди. Ўтган йили баҳорда Тошкентда адиб таваллудининг 108 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ажойиб тадбир ташкил этилди. Тадбирда иштирок этган Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Низом Қосим бундай тадбирлар устозлар руҳини шод этаётганини таъкидлади.

– Биз 2018 йили “Садойи Шарқ” журналининг 6-сонини ўзбек адабиётига бағишладик, – дейди Низом Қосим. – Бундан олдинроқ “Жаҳон адабиёти”нинг апрель ойи сонидан тожик адабиёти намуналари ўрин олган эди. Ҳа, орамиздаги баланд деворлар кулади, қалбларимизга йўл топдик, адабиёт дўстлик кўпригига айланди. Жорий йилнинг март ойида биз Душанбе шаҳрида атоқли ўзбек шоири Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ва адабий меросига бағишлар тадбирлар ўтказдик.

Бу тадбирда ўзбекистонлик адиблар қадри муҳим бўлиб иштирок этди. Биз аждодларимизнинг гўзал услуби – зуллисонайлик анъанасини тиклашимиз лозим. Тожикистонлик ўзбекзабон шоиримиз раҳматли Улмас Жамолнинг “Тожикистон ўғлидурман, ўзбегим гуфто писар” матласи билан бошланадиган газалини эслайлик-а!

Бугунги кунларда Тожикистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигини тинчлик ва барқарорлик, қўшни давлатлар, жумладан, Ўзбекистон билан дўстона алоқалар муҳитида нишонламоқда. Коронавирус офати ҳам ўтқинчи, иншоолоҳ. Икки халқ, икки давлат дўстлик ва ҳамкорлик дарахтлари янада тотли мевалар беришига ишонамиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилда Олий Мажлиста Мурожатномасида минтақамиздаги мамлакатлар билан барча соҳаларда дўстона муносабатлар, ҳамкорлик алоқаларини янги поғонага кўтариш хусусида гапириб, шундай деди: “Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очик, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз”.

Шоаҳхор САЛИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

НАМАНГАН ШАҲРИ ВА МИНГБУЛОҚ ТУМАНИДА “БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ МЕҲНАТ ЯРМАРКА”СИ ЎТКАЗИЛДИ

Наманган шаҳридаги “Юксалиш” кичик саноат зонасида жойлашган “Самира-Амира Текстил” МЧЖ ҳудудида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Унда Наманган шаҳри ва туманларда фаолият кўрсатаётган 65 та корхона ва ташкилот вакиллари қатнашди. 300 дан ортиқ корхона ва муассасанинг 13200 дан ошқ бўш иш ўринлари, вакансиялари АБКМ ходимлари томонидан иштирокчиларга тақдим этилди.

Ярмаркада 500 нафардан ортиқ иш излаётган фуқаро иштирок этди. Улардан 186 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди, 211 нафари жамоат ишларига жалб этиладиган бўлди.

Шунингдек, ярмаркада иштирок этган 249 нафар фуқарога меҳнат қонунчилиги бўйича ҳамда тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, кооперативларга аъзо бўлиш, уй шароитида оилавий даромадларини ошириш борасида маслаҳатлар берилди.

Шу билан бирга, Мингбулоқ туманидаги Дўстлик истироҳат боғида ҳам “Бўш иш ўринлари меҳнат ярмарка”си ўтказилди.

Ярмаркада тумандаги 67 та корхона ва ташкилот, фермер хўжаликлари, таълим муассасалари ўзининг 312 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Тadbирда 580 нафар фуқаро иштирок этиб, шундан 370 нафарини аёллар, 95 нафарини ёшлар, 55 нафарини чет элдан қайтган меҳнат мигрантлари ташкил этди.

Ярмарка якунига кўра, 102 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

Шунингдек, иштирокчиларнинг 145 нафарига меҳнат қонунчилиги бўйича маслаҳат ва тушунчалар берилди. **Ўз мухбиримиз.**

Маълумки, дон халқимиз ризқ-рўзи, фаровонлик омили саналади. Шу боис мамлакатимизда ғалла етиштириш, ғалла майдонларини озиклантириш, бу борадаги агротехник тadbирларни кечиктирмай олиб боришга катта эътибор қаратилган. 2021 йил ҳосили учун экилиши режалаштирилаётган бошоқли дон экинларини экиш қишлоқ хўжалигидаги долзарб масалалар сирасига кириши ҳам шундан. Вилоятимизнинг Хатирчи, Навбахор, Конимех, Кармана, Қизилтепа туманлари фермер хўжаликлари далаларида мазкур мавзуга оид кўргазмалар ўқув амалий семинарлар бўлиб ўтди.

НАВОИЙДА ЖОРИЙ ЙИЛ 38 МИНГ 39 ГЕКТАР МАЙДОНГА КУЗГИ БОШОҚЛИ ДОН ЭКИЛАДИ

Унда вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Саъдулла Истамов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агроекономика ва сув ресурслари бўлими раҳбари, вилоят ҳаққоний раҳбарлари, қишлоқ хўжалигига алоқадор корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда ғалла экиш отрядлари раҳбарлари, ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари раҳбарлари қатнашди. Семинарларда 2021 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш мавсумига тайёргарлик кўриш,

сифатли қилиб, конверт усулида ерга ер қўшган ҳолда ер тайёрлаш ва экиш ишларини талаб даражасида амалга ошириш тўғрисида сўз борди. Шунингдек, экилган ғалла майдонларини сўғоришдаги мавжуд тартибларни амалга ошириш, дон экиш сеялкалари афзалликлари ҳақида ҳам гапирилди.

Маълумот ўрнида айтиш керак, вилоятда жорий йил 38 минг 39 гектар майдонга кузги бошоқли дон экиш мўлжалланган бўлиб, унинг 8 минг 565 гектари очик майдонга, 29 минг 474 гектари ғўза қатор орасига экилиши



режалаштирилган. Ғалла майдонларини экишга тайёрлаш, шунингдек, 2021 йил ҳосили учун уруғлик донни саралаш, дориллаш ишларини бориши, уруғлик донни қайта ишлаш цехларида мавсумга ҳозирликнинг сифат даражасида бориши “Ўзагроинспекция” вилоят бошқармаси ходимлари назорати остида давом этмоқда. Инспекция вилоят бошқармаси катта инспектори Аббос Ризоқуловнинг таъкидлашича, “Навоийдонмахсулошлари” АЖ корхонасининг уруғлик дон тайёрлаш шахобчалари томонидан 2020 йил ҳосилидан жами 9705 тонна шундан

1-уруғлик цехга 3268 тонна, 2-уруғлик цехга 6436 тонна уруғлик дон жамғарилган.

Жамғарилган уруғлик донларнинг 206 тоннаси Супер Элита авлоди, 3890,6 тоннаси Элита авлоди, 5607,9 тоннаси R-1 авлоди уруғлик донлардир. Бугунги кунда граффик бўйича дориллаш режа 7385 тонна, амалда дориллаш ишлари 8175 тонна ёки 84,2 фоизга бажарилиб, режадан 368 тонна ортиқча дориланган.

Жорий йил Қизилтепа туманида 10 минг 224 гектар майдонга кузги бошоқли дон экиш кўзда тутилган. Унинг 3 минг 756 гектари очик майдонга, 6

минг 468 гектари ғўза қатор орасига тўғри келади. Хусусан, туманнинг “Арабон” ҳудудида жойлашган дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Навоий ҳудудий филиалининг 50 гектар майдондаги ғўза қатор орасига уруғлик экилади.

– Уруғлик доннинг “Асп”, “Гром”, “Давр” ва бошқа навларидан экишни мўлжаллаб турибмиз, – дейди филиал директори Абубакир Тоғаев. – Дон униб чиқиши ва парвариши сифат даражасида бўлишига аҳамият қаратганмиз. Шунга кўра, Туркиянинг минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи “Агро-Анталья” фирмаси билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Бугунги кунда 420 килограмм бугдойнинг ўсиб чиқишидан то дон бўлгунча жараёни қамраб оладиган кимёвий ўғитлар келтирилиб, захира яратилган. Ҳосилдорликни 70-80 центнерга олиб чиқишни режа қилганмиз.

Таъкидлаш керакки, кузги бошоқли дон экиш билан боғлиқ барча жараёнлар “Ўзагроинспекция” вилоят бошқармаси ҳамда туман бўлимлари инспекторлари томонидан назорат қилиб борилмоқда.

Вилоятда 10 сентябрдан бошланадиган экиш тadbирлари 10 октябргача якунланиши белгиланган.

“Ўзагроинспекция”
вилоят бошқармаси
матбуот хизмати.

Жиззах вилояти

Шароф Рашидов тумани деҳқонлари айни кунларда ғўза барглари сунъий тўктириш билан бир қаторда пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишларини ҳам қизгин олиб боришаётир.



ЯНГИ ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ

Тумандаги фермер хўжаликлари ҳосилнинг асосий қисмини терим машиналарида йиғштириб олишни кўзда тутишяпти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 14 январдаги “Республика ҳудудларида пахта ҳосили теримини механизациялаш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада дастурий амал бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боис, жорий йил пахта ҳосилини йиғштириб олишда терим машиналари ҳиссасини кўпайтиришга ҳаракат қилаётган туман қишлоқ хўжалиги ташкилотлари мутасаддилари томонидан амалга оширилаётган ишлар эътирофга лойиқ.



– Етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмасдан тез ва сифатли йиғиб-териб олиш, мавсумни муваффақиятли яқунлаш кўп жиҳатдан йиғим-теримни тўғри ташкил этишга боғлиқ, – дейди туман “Агросервис” МТП масъуляти чекланган жамияти бош муҳандиси Султон Пиранов. – “TZST-CE-220” горизонтал шпинделли пахта терим машинасидан 50 дона олиб

келинди. Ҳар бир техниканинг нархи 1 миллиард 275 миллион сўмни ташкил этади. Бундан ташқари фермер хўжалиқларимизда 17 дона терим машиналари мавжуд. Ҳар бир терим машинасига иккитадан оператор ишга олинди.

Механизациялаштирилган усулда терим учун пахта майдонларининг агрофонини шакллантириш, замонавий пахта терим машиналарида ишлаш учун техникани ишла-

тиш бўйича механик-ҳайдовчилар ва муҳандислар тайёрланиши билан биргаликда пахта машина ёрдамида терим учун далаларни босқичма-босқич тайёрлаш масалаларига асосий эътибор қаратилган. Ҳозир янги олиб келинган техникаларни бошқарадиган операторлар шу ернинг ўзида ўқитилмоқда.

– Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини, бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни

кенгайтириш ҳамда маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва кластерларининг пахта терим машиналарини харид қилишда имкониятлари кенгайди, – дейди “ЎзКейсСервис” қўшма корхонаси бош муҳандиси Абдуразоқ Шукуров. – Эллик дона икки қаторли пахта терим машиналари ўзига яраша қулайликларга эга. Ушбу терим машиналари

шпинделларини ўзи сув билан тозалайди, агрегатларини мойлайди. Сирасини айтганда, ҳамма механизмлар автоматлашган. Фақат оператор монитор орқали кўрсаткичларни кузатиб турса бўлгани. Бундан ташқари пахта терими мавсуми тугагандан сўнг, бункерларни тракторлардан ечиб олиб, чигит экиш сеялкаларини тиркашимиз, ақушка илиб жўяк тортишимиз, керак бўлса кичик плугларда ер бўшатиш, тиркама тақиб ҳайдов машинаси сифатида фойдаланишимиз мумкин.

Мутахассислар фикрича, замонавий техника юзлиб теримчилар ўрнини бемалол эгаллай олиши билан бир қаторда ўтган пахта терими мавсумида кузатишган теримчиларни далага олиб бориш ва олиб келишдаги транспорт ва бошқа кўплаб харажатларни тежаш имкониятини яратди. Бу каби техника парклари базасини мустаҳкамлашда амалга оширилаётган ишлар мавсумни тез ва муваффақиятли ўтказишга хизмат қилади.

Тургун ҲОҚБОЕВ, журналист.

Сирдарё вилояти

Жорий йилда 72 минг гектардан ортиқ майдонда мўл ҳосил етиштирган вилоят пахтакорлари далалардаги пахта йиғиб-териб олишни уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар.

СИРДАРЁДА “ОҚ ОЛТИН” КАРВОНЛАРИ



Бу йил теримга чиққан, кўнгилли ҳашарчилар отрядлари аъзолари сафида иштирок этаётган ҳар бир теримчига олдиндан 500 минг сўмдан бўнак пулини бериш, биринчи теримдаги пахтанинг ҳар килограммига 1200 сўмдан ҳақ тўлаш тизимининг жорий этилаётганлиги йиғим-терим суръати кундан кунга ошишини таъмин этмоқда.

Вилоятнинг қатор туманларида дастлабки ҳосилни топшириш тантаналари бошлаб юборилди. Боёв тумани пахтакорлари биринчилардан бўлиб “Ҳосил карвони” шодиёнасини бошлаб бердилар. Эрта тонгданок “Боёв” пахта тозалаш заводи қошидаги қабул масканига лўппи пахтакорлар юкларини тракторлар турна қатор бўлиб кела бошлади. “3-Боёв”, “1-Боёв”, “2-Боёв”, Т. Латипов, Ш. Рашидов номли, “Тараққёт” сув истеъмолчилари уюшмаларининг деҳқонлари йиғим-теримга барвақт киришдилар. Бу пахта ортилган “Ҳосил карвон” ларида ҳам яққол сезилиб турибди.

Янги ҳосилни топширишга бағишланган шодиёнада секторларнинг раҳбарлари, терим отрядлари вакиллари, сув истеъмолчилари уюшмалари раислари, миришкор фермерлар, кекса пахтакорлар ва меҳнат фахрийлари иштирок этдилар.

Боёвликларни “Ҳосил карвони” шодиёнаси билан вилоят ҳокимининг ўринбосари Комилжон Сабилов қизгин табриқлади, сўзи ва иши бир Боёв тумани деҳқонлари бу йил ҳам далаларда мардона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирилганлиқларини алоҳида эътироф этди. Ҳар доимгидек туман пахтакорлари шартнома режасидагидан ҳам зиёд хомашё топшириб, вилоятда карвонбошилиқ қилишларига катта ишонч билдирди.

Оқсоқоллар, тажрибали пахтакорлар лентани қирқиб, боёвликларнинг хирмони сарбаланд, юзлари ёруғ бўлиши истагини билдирдилар. Янги “Ҳосил карвон”лари қабул маскани сари йўл олди.

“Ҳосил карвон”лари тадбири Сардоба туманидаги “Пахтаобод” пахта тозалаш заводидида ҳам бўлиб ўтди. Туман ҳокими Абдуазим Хидиров сардобалиқларни дастлабки ҳосилни топшириш маросими билан қутлади ва етиштирилган ҳосилни тезу соз териб олишда қатнашадиган, туманда шакллантирилган 144 та кўнгилли терим отрядларига куч-қувват тилади. Жонлиқ сўйилиб, Қуръон тиловат қилинди. Отаҳонлар юртимизга тинчлик, уюлажак ҳосил хирмонларига қут-барака тиладилар.

Худди шундай янги ҳосилни топширишга бағишланган тантаналар Мирзаобод, Сирдарё туманларида ҳам бўлиб ўтди. Вилоят пахтакорлари қалб кўри, пешона тери эвазига етиштирилган қимматли бойлигимиз – пахта йиғиб-териб олишга ўзгача ғайрат-шижоат билан киришдилар.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.



Фарғона вилояти

ҚУВАСОЙ АДирЛАРИ БОҒЛАРГА БУРҚАНАДИ

Кува ва Кувасойни қақраб ётган қир-адирлар ажратиб туради. Илгарилари бу ерда деҳқончилик қиламиз, деб уриниб кўранлар. Аммо сув таъминотидаги муаммолар туфайли орзулар амалга ошмаган.

Кеча Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев ана шу кўёш тигидан куйган адирларга бориб у ерда бошланган ишлар билан танишди.

– Салкам 2000 гектар майдонга мевали дарахтлар, мош, ловия каби экинлар экамиз, – дейди вилоят ҳокими. – Дастлаб бу ерга сув чиқарамиз, сўнг 5-10 сотихдан ёшлар, ёш оилаларга бўлиб берамиз.

Ҳозир вилоят электр тармоқлари идораси мутахассислари бетондан устунлар ўрнатишяпти. Экскаваторлар эса бўлажак ариқ ўринларини лойиҳада белгиланган жойларда қазимоқда.

– Мен асли тракторчман. Фермер хўжалигида ишлайман. Бу ерлар ўзлаштирилаётганини, мен каби ёш оилаларга томорқа-ер берилишини эшитиб келдим, – дейди Отажон Раҳмонбердиев. – Ҳозир кўчатчилик билан ҳам шугулланаман. Ҳали кўрасиз, бу ерларнинг тупроғи серҳосил, фақат сув керак, тез орада ғўзал боғлар яратамиз.

Кувасой адирларидан таралаётган қудратли техникалар шовқини узоқ-узоқларга етиб борди. Энди Тошлоқ, Кува ва Кувасойлик ёшлардан биринчи босқичда 2000, кейин яна 3 минг нафари ўзининг қишлоқ хўжалиги, боғдорчиликка асосланган бизнесини бошлайди.

– Кувасойда раҳбар бўлиб ишлаган Маматқул Раҳматов, Шухрат Аҳмедов каби етакчилар ҳам бу жойларни ўзлаштироқчи бўлганлар, лекин техника, маблағ ва рағбат бўлмаган, – дейди Кувасой шаҳри ҳокими Равшан Раҳимжонов. – Бугун эса буларнинг барчаси бор ва энг муҳими, қалбимиз зғу ниёта йўғрилган.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати.

Тошкент вилояти

МУАММОЛАР ҲАҚИДА

Нурафшон шаҳри ҳокими Қаҳрамон Ҳақимов ҳамда Тошкент вилояти прокурори С.Самадов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Нурафшон шаҳри ҳудудидаги “Янги ҳаёт” маҳалласида бўлиб, маҳалла ҳудудидаги ечимини кутаётган муаммолар, куз-қиш мавсумига кўрилган тайёргарлик ҳолатларини ўргандилар.

Ишчи гуруҳи аъзолари маҳаллада яшовчи аҳоли вакиллари билан юзма-юз мулоқотда бўлиб кундалик ҳаётда дуч келаётган муаммоларни бар-тараф этиш вақтида таклиф ва мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Маҳалладаги 42 та кўп қаватли турар жой биноларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати кўздан кечирилди.

Хусусан кўп қаватли биноларга санитар хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, махсус техникалар ёрдамида ўз вақтида ҳудудлар тозаланиши таъминлаш, маиший чиқиндилар йиғиш шохобчаларини тартибга келтириш, биноларнинг ташқи



томонда таъмирлаш ишларини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Жумладан, пиёдалар ва ҳайдовчиларга қулайлик яратиш мақсадида кўча четидидаги дарахтларга шакл бериш, тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш, кўчани жорий таъмирлаш, газ қувурларини тартибга келтириш, ичимлик ва оқова сув қувурларида юзага келган муаммоларни бар-тараф этиш, уйларнинг том қисмида таъмирлаш ишларини ёгин-сочин кунларга қолмасдан қисқа фурсатларда ниҳоясига етказиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатма ҳамда топшириқлар берилди.

Ўз мухбиримиз.

ХОРАЗМДА ПАҲЛАВОН МАҲМУД ҲАҚИДА ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНАДИ

“Ўзбекино” Миллий агентлиги ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда буюк бобкалонимиз Паҳлавон Маҳмуднинг ҳаёти ҳақида “Афсонадаги ҳақиқат” номли бадий фильм ҳамда Хоразм вилоятининг сўнги беш йилдаги ривожланиш тарихи ҳақидаги ҳужжатли фильм суратга олиниши режалаштирилмоқда.

Паҳлавон Маҳмуд – улуг шоир ва мутафаккир. У 1247 йил Хивада туғилган. Афсона ва ривоятларда унинг кураги ерга тегмаган паҳлавон, шу билан бирга, пўстиндўз ва теплакдўз уста бўлганлиги тасвирланади. Паҳлавон Маҳмуд “Канзул ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар хазинаси”) номли маснавий ҳамда кўп-кўп рубоийлар яратган. Шоир ўз рубоийларини форс-тожик тилида ёзган.

“Ўзбекино” МА таркибидида тузилган ишчи гуруҳ Паҳлавон Маҳмуд ҳақида бадий фильм ҳамда ҳужжатли фильм-

ни суратга олиш ишларини бошлаш учун воҳада амалга оширилаётган иш-лохотларни ўрганиб, Хоразм вилоятидаги диққатга сазовор жойларни кўришди. Бугунги кунда намунавий талабаларга жавоб берадиган тарзда реконструкция қилинаётган “Худойберган Девон” кинотеатри фаолияти билан ҳам яқиндан танишишди. Тез кунларда мазкур кинотеатрнинг очилиши бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Бадий фильмда Хоразм воҳасининг ўзига хос қадимий урф-одатларини кўр-

сатиб бериш билан бир қаторда ўша даврга хос миллий кийим-кечаклар, қурол-аслаҳалар базаси акс эттирилади. Паҳлавон Маҳмуд ҳаётини кўрсатиш билан бирга, минг асрлардан буён ўз тарихини сақлаб қола олган кўҳна Хива билан боғлиқ миллий ва қадимий обидалар, юрт бағрида етишиб чиққан файласуфлар ижоди ҳақида ҳикоя қилинади.

Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги бадий фильм постановкачи режиссёри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳамидулла Ҳасанов, сценарий муаллифлари Анвар Эргашев, Юлия Медведевская ва Жасур Маҳмудов, постановкачи оператор Ҳабибулла Ҳасанов, рассом Нигмат Жўраев.

Ҳозирда фильмларнинг суратга олиш ишларига тайёргарлик кўрил-



моқда. Премьера 2021 йилнинг сентябрь ойида намойиш этилиши кўзда тутилган.

“Ўзбекино” Миллий агентлиги Ахборот хизмати.

Олтмиш ёшингиз
муборак бўлсин!

Одил Аҳмедов энди қайси
жамоада ўйнайди?

НАВОЙ ШАҲРИДА ЕНГИЛ КОНСТРУКЦИЯ УСУЛИДА БУЊЕД ЭТИЛГАН 60 ЎРИНЛИ МЕҲМОНХОНА ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Навоий шаҳрининг "Янгиариқ" маҳалласи ҳудудидида 60 ўринли замонавий меҳмонхона фойдаланишга топширилди.

Тадбиркор Азамат Ҳожиёв томонидан бунёд этилган "Навоий файз" масъулияти чекланган жамиятига қарашли мазкур меҳмонхонада хоржий ва маҳаллий сайёҳларни қабул қилиш учун барча шароитлар муҳайё этилди.

Умумий қиймати 500 минг АҚШ долларини ташкил этган ушбу хизмат кўрсатиш объекти қурилиши учун тадбиркор 300 минг доллар миқдорда банк кредити олди ҳамда 200 минг доллар ўз маблағини йўналтирди.

Этиборлиси, ушбу меҳмонхона қисқа муддатда, яъни 6 ойда қурилишдаги янги технология – енгил конструкция усулида бунёд этилди.

– Меҳмонхона фаолиятини йўлга қўйишдан асосий мақсад мамлакатимиз туризм соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўйишдир, – дейди "Навоий файз" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Азамат Ҳожиёв. – Келгусида бу йўналишдаги ишларимизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз.

Айни пайтда Навоий шаҳрининг "Янгиариқ" маҳалласининг ўзида 5 та меҳмонхона бунёд этилаётган бўлиб, уларнинг 4 таси фаолиятини бошлади. Йил якунига қадар яна битта меҳмонхона фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Мазкур меҳмонхона фаолиятини бошлаши муносабати билан 15 та янги иш ўрни яратилди. Уларнинг аксарияти ёшлардан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда Навоий вилоятида туризм соҳасида 32 та умумий қиймати 142 миллиард сўмлик инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бу эса келажакда соҳа ривожидида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Меҳмонхонанинг очилиш маросимидида Навоий шаҳри ҳокими М.Базаров иштирок этди ва сўзга чиқди.

Отабек АСПОНОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

Халқимизда устоз отангдек улуг деган нақл бор. Ушбу нақлнинг туб моҳияти ота фарзандига эътиқодли, иймонли бўлишни ургатади. Яхши яшаши, билим олиши ва тарбияли бўлиши учун шароит яратиб беради. Устоз учун эса шогирд унинг фарзанди ёки яқин қариндоши бўлмаслиги мумкин. Ваҳоланки, у шогирдига касб сирларини ўргатади. Унинг камолоти учун отадек кўп ва хайрли хизмат қилади. Шу туфайли устоз улуг зотдир.



ШАРАФЛИ ИНСОН ВА ФИДОЙИ УСТОЗ

Шавкат Умаров ҳам худди шундай, азиз ва ҳурматли устозларимиздан. У бундан 60 йил илгари Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида, зиёлилар оиласида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатиб, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети) ўсимликларни ҳимоя қилиш ва ипакчилик факультетига, Ипакчилик йўналишига ўқишга киради ва намунали тарзда тамомлайди.

У 45 йиллик пиллачилик соҳасидаги фаолиятини оддий колхоз ишчиси ва пилла агрономи лавозимида бошлаб, туман бош пиллахоноса агрономи, Республика бош бошқармасининг агротехника бўлими агрономи, бош агроном, "Ипак" илмий ишлаб чиқариш бошқармасида илмий ходим, Ипакчилик бош бошқармасининг уруғчилик бўлими бошлиғи, "Ўзбекипаксоноат" уюшмаси бош мутахассиси, "Ўзбекипак" уюшмасининг "Пиллахолдинг" компаниясида ипак куртини боқиш ва тутчилик агротехникаси бўлими бошлиғи, Бухоро вилояти "Пилла" акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси, "Ўзбек ипаги"

уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари, "Пилла холдинг" холдинг компаниясининг раиси, "Ўзбекипаги" уюшмаси бошқаруви раиси каби республика даражасидаги раҳбарлик лавозимларида давом эттирган. Бундан ташқари, 2005-2018 йиллар давомида Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институти директори лавозимида ҳам муваффақиятли фаолият олиб борган.

Шу билан бир қаторда устоз пиллачилик соҳаси илмига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимлардан ҳисобланади. У "Ёз-куз мавсумида ипак куртининг саноатбоп тухумларини тайёрлашнинг самарали технологиясини яратиш" мавзусида номзодлик ва "Тут ипак куртини такрорий боқишда маҳсулдорликни оширишнинг илмий асослари" мавзусида докторлик диссертациясини муносиб ҳимоя қилган.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Шавкат Умаров Тошкент давлат аграр университетининг Ипакчилик ва тутчилик кафедрасида профессор ва университет ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини берувчи илмий кенгашига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Фидойи устоз илмий фаолияти давомида 130 дан ортиқ илмий асарлар чоп этилган бўлиб, бугунги кунга қадар унинг раҳбарлигида 2 нафар фан доктори, 3 нафар фалсафа доктори бўйича диссертация ишларини муваффақиятли ҳимоя қилганлар.

Мухтасар қилиб айтганда, устознинг кўп йиллик самарали меҳнати, касбий маҳорати, илмий ижодий салоҳияти, соҳанинг етук мутахассиси сифатида кенг жамоатчилик томонидан муносиб эътироф этилган. Ундаги чексиз илм ҳазинасидан ёш авлод узоқ йиллар давомида баҳраманд бўлади, деган умиддамиз.

Устозимизни табаррук 60 ёшлари билан қутлаб, яна кўп йиллар давомида малакали ёш кадрларни ҳамда мутахассисларни тайёрлашда уларга сизнинг саломатлик ва узоқ умр тилаб қоламиз.

Тошкент давлат аграр университетининг
Ипакчилик ва тутчилик кафедраси жамоаси.

ОСИЁНИНГ ЙИРИК КОМПЛЕКС МУСОБАҚАЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ КЕТМОҚДА?

Осиё Олимпия кенгашининг (ООК) спорт кўмитаси онлайн учрашув ўтказди. Унда ООК шафелигида ўтказиладиган йирик спорт мусобақаларига тайёргарлик масалалари муҳокама этилди.

2021 йилда Осиё Олимпия кенгаши қитъамизда 3 та йирик турнир ўтказди. Улар – апрель ойида Хитойнинг Санье шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё соҳил ўйинлари, май ойида Таиланднинг Бангкок ва Чонбури шаҳарларида Жанг санъати ва ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинлари, ноябрь ойида Хитойнинг Шаньюо шаҳрида учинчи ўсмирлар Осиё ўйинларидир. 2022 йилнинг апрель ойида эса Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида XIX Осиё ўйинлари бўлиб ўтади.

Мазкур йиғилишда ўйинлар Ташкилий кўмиталарнинг вакиллари бўлажак мусобақаларнинг спорт дастурларини, беллашувлар ўтадиган объектларнинг тайёргарлиги, мусобақаларни бошқариш ва ўтказиш режалари бўйича тақдирот ўтказишди.

Санье шаҳридаги олтинчи Осиё соҳил ўйинлари 2020 йил ноябрь ойида бўлиб ўтиши режаланган эди. Бироқ COVID-19 пандемияси сабабли 2021 йилнинг 2-10 апрелига кўчирилди. Унда иштирок этиш учун 43 миллий Олимпия кўмиталарининг 3173 нафар атлети (1923 эркек ва 1250 аёл) спортнинг 17 тури бўйича беллашиш учун рўйхатдан ўтганлар.

Жанг санъати ва ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинлари 2021 йилнинг 21-30 май кунлари Бангкок шаҳри ва Чонбури провинциясида ўтказилади. Мусобақада атлетлар спортнинг 29 турида беллашишади. Шунингдек, ўйинларда 290 та старт, спортнинг икки тури, шу жумладан текбол бўйича сино мусобақалар ўтказилиши кўзда тутилган.

2021 йилнинг 20-28 ноябрида Хитойнинг Гуандун провинцияси, Шаньюо шаҳрида учинчи Осиё ўсмирлар ўйинлари бўлиб ўтади.

Осиё Олимпия кенгашининг вице-президенти Сун Люзен онлайн учрашувни якунлар экан, Осиё ва бутун дунёда спортни ривожлантиришга хизмат қиладиган ушбу ўйинларга муваффақиятли тайёргарлик кўриладиганлигини таъкидлади. Ташкилий кўмиталарнинг тақдиротлари натижасида ушбу муҳим мусобақаларга тайёргарлик тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил бўлди.




РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzstl@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Жамшид ХҲЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммаджон
ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Раимқул СУЯРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер
М.ЮСУПОВ

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78. Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04. web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-925, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. 2 387 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 12 45 6

Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 20.00